

МЕХНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Хамза ва Куйбишев районлари мусобақаси

Мусобақадор районларнинг ишчилари тўрт ойлик планини анча дусроқ техника-иқтисодий кўрсаткичлар билан якунладилар. Махсулот реализация қилиш бўйича топишрик Хамза районда 2,3 процент, Куйбишев районда 1,3 процент ортиб билинган. Бу планга қўшимча 6,745 минг махсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш имконини берди. Яъни махсулот ишлаб чиқариш бўйича топишрик 2,3 ва 1,5 процент ортиб билинган адо этилди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ўсиш суръати 7,0 ва 3,0 процентини ташкил этди.

Меҳнат унвондорлигини ўстириш планини Хамза райони 102,5 процент, Куйбишев 101,5 процент бажаришди. Меҳнат унвондорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан районларда 2,2 ва 2,1 процентга юксалди. Хамза районда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишнинг 71,4 процентига, Куйбишев районда 70 процентига меҳнат унвондорлигини юксалтириш асосида эришилди.

Хамза райони корхоналари январь-апрель ойларида умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 4,8 процент махсулотни, Куйбишев райони кор-

хоналари 29,9 процент махсулотни давлат Сифат белгиси билан тайёрлади. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш плани районларда 103,0 ва 101,9 процент бажаришди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Хамза районда 3,4 процент юксалди. Куйбишев районда эса 2,7 процентга пасайди.

Мусобақадор районларда қўлоқ корхоналар йўқ. Шу билан бирга айрим ишлаб чиқариш бўлимлари апрель ойи программасини удалашолмади. Жумладан, Хамза районда 18 лех, 8 участка, 60 бригада, 183 ишчи қўлоқлар сафига қўшди. Куйбишев районда эса 8 лех, 18 участка, 21 бригада, 388 ишчи ойлик планини удалай олмади.

Қурилиш-монтаж ишлари планини (марказлашган молия манбалари — 1981 йил январь-март ойлари кўрсаткичлари) Хамза районда 91 процент, Куйбишев районда 91 процент бажаришди. Турар жойни фойдаланишга қўйиш бўйича биринчи квартал плани Куйбишев районда 61 процент, Хамза районда 0 процент бажаришди.

Хамза райони бўйича

Саноат корхоналари меҳнат унвондорлигини ўстиришда яхши натижаларга эришилди. Улар илгари қабул қилинган мажбуриятлар қўшимча ҳалқ ҳўжасига бўйлаб етказиб беришди. Планга қўшимча махсулот реализация қилинишига В. П. Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташэлектромаш», синтетик ювиш воситалари заводи, электр монтаж буюмлари заводи, ёғ-мой комбинати ва бошқа корхоналар салмоқли ҳисса қўйишди. «Ташэлектромаш» ишчилик қўшниги «Темир-бетон қўприк констр-

укциялари заводида, «Ташкентинио» комбинатида ишлаб чиқариш ҳажмининг анча ўсиши таъминланди. Шу нарса қиққатта сазоворки, бу корхоналарда оғт юксак пиравар натижаларга янги техникани ший жорий этиш, меҳнатни ташкил этишни таъминлаштириш, ишлаб чиқаришнинг реконструкцияш орқали эришилди. Шу билан бирга 2-темир-бетон буюмлари заводида, шампан виноклари заводида, асфальт-бетон буюмлари заводида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича топишрикни бажаришолмади. Вир қазилма қимматлашди.

Сантехника буюмлари заводи планининг бажарилишига орқича ҳаражатга йўл қўйиш билан эришди. Фақат биринчи кварталнинг ўзида бу корхонада товар махсулот таннархи 190 минг сўмликка қимматлашди.

Куйбишев райони бўйича

Бу ерда саноат ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилда 5,6 миллион сўмликка ўсди. Бунинг асосий қисмига меҳнат унвондорлигини юксалтириш асосида эришилди. Трактор, газ аппаратуралари, лавабўё, 3-ўн заводи, «Энергостройнад» ишчилик қўшниги бироқ ишлаб чиқариш бўлишмаси ва бошқа корхоналар тўрт ой мобайнида мажбуриятда

мажбуриятларни бажаришолмади. Шартномадагидан 943 минг сўмлик кам махсулот тайёрланди.

Вир қатор корхоналар планининг бажарилишига орқича ҳаражатларга йўл қўйиш орқали эришилди. Жумладан, «Узбекхлопкомаш» бирлашмаси, «Фан» босма-хонаси, фақат биринчи квартал мобайнида товар махсулот ишлаб чиқаришнинг 116 минг сўмликка қимматлашди кетишига йўл қўйди.

Январь — апрель ойларидаги СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНИНИ ХАМЗА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ САНОАТ, КУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА БЎЛИМИ МУДИРИ Б. ИКРОМОВ ШАРҲЛАЙДИ:

— КПСС Марказий Комитетининг «Москва шаҳридаги бир қатор корхоналар коллективларининг меҳнат моддий ва маърифий ре-сурсларини тежас мақсадли фойдаланиш бўйича ташаббуси тўғрисида» қароридан оқ моддий-техника ҳаражатлари билан, мажхуд резервлардан унумли фойдаланиш, энг юксак меҳнат унвондорлигига эришиш таъминлаш муҳим вазифа қилиб қўйилган. Корхоналарнинг меҳнат коллективлари, партия ташкилотлари ҳозир мана шу муҳим масалаларни ҳал қилиш устида ишлашляпти.


Район ишчилари меҳнат унвондорлигини ўстириш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириб, қабул қилинган мажбуриятларга қўшимча 1,1 миллион сўмлик ҳалқ ҳўжаси буюмлари ишлаб чиқардилар.

Бирок ҳўжаси фаолиятининг барча техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам қониқарли дейиш қийин. Йўйлақда 2-темир-бетон буюмлари заводи ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юборди, меҳнат унвондорлигини юксалтириш бўйича топишрикни удалай олмади. Бунинг сабаби нимада? Биринчи-

дан, бу ерда орқича ишчи кучлари мавжуд. Иккинчидан, меҳнатни ташкил этиш даражаси шу кун тоғаблари даражасида эмас, корхонада металл таъинисли созила-йни. Яна бир нарсасга эътиборни қаратиш керак: заводда катта мидкордаги темир-бетон туғилниб қолди. Пулат магистраллар ҳодимлари ишга пани беришляпти. Улар илгари туғилган графинилари бу-зишляпти. Тўрт ой мобайнида 370 та темир йўл вагонини беришмади.

2-темир-бетон буюмлари заводида, сантехника буюмлари заводида бир қатор участка ва бригадалар қўлоқлар сафига қўшди. Меҳнат иттизоми юқори эмас. Сантехника буюмлари заводида надрлар қўшимсизлиги катта. Корхонада иш-кунлар эскиб қолган, бу ерда ишлаб чиқаришнинг техник жиқатдан қайта қурулантириш ҳақида яхши тахмулчи қилишляпти.

Ишнинг мафлаатлари москваликар ташаббусини кенг қўллаб-қувватлашнинг, резервлардан, фан ва техника унвондорлиги ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлигини оширишда кенг фойдаланишни тақозо этапти.



БОШ ПЛАНДАН БИР ЛАВҲА

«ОКТАБРЬ» БОЗОРИНИНГ КЕЛАЖАГИ

XV аср бошларида Ўрта Осиёга саёҳат қилган испан элчиси Р. Клавихо шарқ бозорларининг ўзига хос фазилатлари, уларнинг тўқни-сочилиги, мева-чева-ларга сероблиги ҳақида гўяг тўқни-сочилиги ёган эди. Асрлардан асрларга қадрлаиб келатган шарқ бозорларининг бундай довури бугунги кунда янада ошмоқда. Совет шарқининг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлган Тошкент бозорлари ҳам саҳий юртимиз рамзини акс эттирувчи ноз-неъматларни, меҳнатнаш деҳқонларимиз етти-тирган турфа мева-чевалари билан шўхрат қозongan. Шунинг учун ҳам улар доимо оддий ишчи ва деҳқонлар, юртимизга ташриф буюраётган меҳмон ва сайёҳлар билан гавжум бўлади.

Айниқса шаҳарнинг қадимий маркази Чорсу даҳасида жойлашган «Октябрь» колхоз бозори бу жиқатдан алоҳида аҳамиятга эга. Кейинги пайтларда бозор территориясида бир қатор замонавий савдо объектлари қурилганига қарамай у

кун сайин ўсиб бораётган шаҳарсозлик та-лабларига жавоб бера-ромай қолди. Шунинг учун ҳам Тошкентнинг қурилиш ва реконструкциялашнинг бозорининг янги замона-

вий комплексини ҳам ўз ичига олиб, у келгусида бу ерда сақлаб қолиндиган ва қайта қуриладиган тарихий-меъморчилик ансамбли билан архитектур-турик жиқатдан уйғу-лаштирилади.

— Биз янги бозор лойиҳасини яратишда қадимий шарқ бозорларининг ўзига хослигини иқидий ўғундик, шунингдек замонавий меъморчилик ютуқлари ва имкониятларини ҳам ҳисобга олиб иш тутдик. — дейди лойиҳа бош меъмори, «Ташгипрогор» инсти-тутини 6-иқидий устахонасининг бош архитектори В. А. Азимов. — Бунга мувофиқ бозор биноси усти ёпиқ шаклда бўлади. У таш-кил қўрилиш жиқатидан Хайра майдонига-ги цирк биносига ўх-шайди.

7 минг 200 савдо ўрни бўладиган усти

Саргон кўчаси билан туташтириладиган лойиҳа кенг проспекти яқинида қурилади. Усти ёпиқ бозор биноси билан Беруний проспекти оралиғида эса очиқ ай-роғлар шаклида 1 минг 800 ўрнили мав-сумий савдо бозори жойлашади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг буюртмаси асосида тайёрланган янги бозор асосан хусусий ва колхоз-кооператив савдосига мўлжаллан-ган. Бозор биноси ба-ландлиги 28 метр, ай-ланаси диаметри 86 метрни ташкил этиб, у цирк биноси диаметри-дан 26 метр катта бў-лади. Расталар асосан икки қаватли бўлиб, иккинчи қават девор-лар бўйлаб ёлмасига жойлашади. Биринчи қават тағидида ер-та-қисми эса мева-чева-лар сақланидиган жой-

лар ва бошқа меҳанги-нош воситалари хиз-мат кўрсатади. Ер-та-қисмида, усти ёпиқ бозор биносига махсус ер ости йўли ташқаридан мева-чева-ларни автомобилда келтириш имконини беради. Ер-та-қисми-дан ва сақлаш омор-ларидан мева-чева-лар савдо залига юк қў-та-радиган лифтлар, шу-нингдек пандуслар бўй-лаб ҳаракат қиладиган электрораклар орқали олиб чиқилади. Ер-та-қисмида хусусий сав-до вакиллари учун ҳам зарур миқдорда мева-чева сақланида-ган жойлар акратила-ди. Келгусида эса усти ёпиқ бозор биносининг ан томонига бу ер-та-қисмида мева-чева-ларнинг олиб келиб сота-диган колхозчилар учун 16 қаватли 420 ўрнили меҳмонхона ҳам қу-рилади.

Картошка, сабзи, қу-вун-тарвуз каби мав-сумий савдо бозори

устахоналари ҳам бозор атрофида ер шаро-итидан унумли фой-даланиб қуриладиган-лиги, қудай устахо-на-ларга қўлиб ўтади.

Усти ёпиқ бозор би-носи қўбаси арк ша-клида қурилади. Бу-нинг учун сақлалган-ган оқ мрамардан фой-даланилади. Аркалар эса пашкари шакли-да бўлади. Қўбанинг то-ри қисмини рағли со-пол плиталар, молив ва фуреца рағлидаги қишлар билан бе-заш қўда туғилган. Шун-ини диққатга сазоворки усти очиқ ва ёпиқ бозорлар қурилиши бо-раётганда ҳозирги ма-вжуд бозор тўла ўз ҳо-лига ишлаб туради. Кейинчалик эса янги бозор комплекси иш-та тушган, мавжуд бозор территорияси қўқалма-ворлаштирилиб ободо-лаштирилади. Бу ерда янги «Келес» ав-тостанцияси бунёд эти-лади. Ёнгил машиналар туғайдиган махсус жойлар, Чорсу майдо-нидаги «Москва» меҳ-монхонаси бундан ав-тостанцияга томон бўйлаб туғилган қў-қалмаворлаштирилган зоналар қурилади.

Янги бозор комплек-сига меҳнатқилар-нинг келиб-кейтишлар-ни осонлаштириш, бу ерда транспорт хизма-тининг яхшилаш мақса-дида келгусида Беру-ний ва Сабгон кўча-ларини туташтиридан-ган йўлдан трамвай, троллейбуслар, авто-буслар қатновия таш-кил этилади ва улар аҳолини босонига бозор дарвозасига етказ-иб қўйди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: «Ок-тябрь» колхоз бозори-нинг келгусида қури-ладиган усти ёпиқ би-носи эскизи; бозор комплекси лойиҳасин-ин яратган иқидий коллектив — (чапдан) «Ташгипрогор» инсти-тутини 6-иқидий устахо-наси архитектори А. Санцов, 6-устахона ва лойиҳа бош архитектори В. Азимов, архи-тектор Т. Волова, ло-йиҳа бош ижасери К. Лп, устахона группа раҳбари Р. Ёкубова. И. Шпоногомов фото-лари.

ЖАХОН ОИНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЮЗ МИНГИНЧИ ВАГОН

БУХАРЕСТ. Ард вагон ишлаб чиқарди. Машинасозлик заводи-нинг йугув неҳидан 100000 номерли вагон чиқди. Корхона коллек-тивни завод 1965 йилда тубдан реконструкция ва модернизация қи-лингандан бери шунча

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

19 МАЙ, 1981 й.

ЧЕТ ЭЛ МАДАНИЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

УЛАН—ВАТОР. Та-ниқли монгол расоми М. Лхатвадоржин Улан-Баторда шахсий кўргазмаси ташкил қилинди. Авторнинг кейинги йиллардаги ўзига хос иқидий ҳи-соти бўлиб қолган экспозицияга унинг 50 га яқин тасвирий санъат, графика асар-лари ва ясаган ҳайкал-лари қўйилган. То-мошабинлар олдида пор-ретлар ва манзаралар, турмуш лавҳалари ва декорацияларнинг э-скизлари намоён бўл-моқда. Булар расом-нинг ҳар томонлама истеъдодидан даролат беради. ***

ЖАКАРТА. Бу ер-даги Совет маданияти уюлда рус халқ амалий санъати кўргазмаси очилди. Кўргазмага Москвадаги давлат та-рих музейининг 145 экспонати қўйилган. Бу экспонатлар рус халқининг XVI—XIX асрлардаги маданияти-рини ва ўзига хос са-ҳифалари тўғрисида, шунингдек Россиянинг ҳозирги амалий санъа-ти ҳақида ҳикоя қи-лади. ***

БРАЗИЛИЯ. Брази-лиянинг Минас-Жирас штатидаги қадимий Ору-Преу шаҳри ЮНЕСКО қарорига му-вофиқ жаҳон мадания-

ти ёдгорлиги, деб рас-ий равишда эълон қи-линди. Марказий Бра-зилияда жойлашган бу шаҳарда меъморлар меҳнати билан уч аср давомида Бразилия-нинг ноб ёдгорликлари яратилган. ***

ЮНЕСКО. Бош ди-ректори Амаду Махтар М. Боу Ору-Претуда ўтказилган тантанали маросимда нутқ сўзла-ди, ўтмиш маданий меъро-сини инсониятнинг кел-гуси авлодлари учун сақлаб қолиш муҳим ақлигини таъкидла-ди. ***

ЮНЕСКО ОРУ-Пре-тудани архитектура


ёдгорликлари қайта-тиклаш ва сақлаб қо-лиш учун ўз фонда-ридан анча маблағ ак-ратяди. ***

БОНН. Оберхаузен-да қисқа метражли филь-ларнинг халқаро фести-валини туғайди. Кон-курсда жаҳоннинг 35 мамлакатидан келти-рилган 100 дан кў-проқ кинолента, шу жумладан совет кине-матографлари и и г фильmlарни кўрсатилди.

Режиссер Р. Гевор-кяннинг «Яхши из» кинолентаси фести-валда махсус мукофот би-

лан тақдирланди. Бу фильм томошабинлари Совет Арманистонда-ги халқ ҳўнармандчи-лиги билан таништир-ди. ***

ДЕХЛИ. Мирутда совет китоблари кўргазмаси зўр муваффа-қият билан ўтди. Бу кўргазма Деҳлидаги «Пилд» паблишинг таъабуси билан та-ш-кил этилган эди. Кўргазмага совет прозаик-лари ва шоирларнинг қўл-лаб қилинган ва ин-глиш тилига таржи-ма қилинган асарлари, иқидий-сиёсий ва илмий-техника ада-биети қўйилган эди. Кўргазмада ўн икки кун давомида 60 минг киши келиб кўрди.



Социалистик иқтисодий интеграцияда қатна-шаётганлиги туғайли Болгария кўтариш-тран-спорт техникаси таёй-лаш бўйича катта ютуққа эришилди. Бу ерда ма-шиналарни муттасил та-комиллаштиришга эъти-бор бериляпти. ***

БТА — ТАСС ФОТОСИ.



ҚАРДОШЛИК ҚЎШИҒИ ЯНГРАЙДИ МАНГУ!

ДИЛБАРИМ

Мақтовинга сўз тополмам
Дилбарим,
Сенки тунлар кўя юмолмай
Дилбарим,
Мен томонга парвоз этсан
Қанайди,
Тўлар эди кўйга олам, дилбарим,
Қачонки сен менга кўрсатсан
Жамол,
Кўтарилгай, тоғдай кўнглим
Дилбарим,
Сенга чексиз меҳру ишқим,
Айтақол
Сени яна қачон кўргум дилбарим,
Билмоқчисан баки дилим
Меҳрини,
Дерман сени ишқ юлдузим,
Дилбарим,

Ўқий дерман сенга севгим
Шудир орзум, шу дил сўзим
Дилбарим,

ДУНЕ ҒУЗАЛ
Дунё ғузал,
Дунё соҳибжамолдир,
Дунё кўрку жамолда бемисолдир,
Атрофинга назар ташла бирма
Бир,
Жаҳон маъноси ишқ бирла
Висолдир,
Қадрига ет толейбахшинг у эрур,
Химмат қилсанг унга мангу
Иқболдир!

НАЗАРМАТ таржимаси.

Мумин ҚАНОАТ,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

СТАЛИНГРАД ОВОЗИ

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

«23 август. Бизнинг полкимиз Дон дарёсидан ўтиб, шарқ томонга олға борибди. Советларнинг но-не саҳролари ва кенгликларини бор, урушдан кейин бу ерлар бизники бўлади. Ишонимизки, фюрер бу урушни тезда тугатади. Унинг айтишича, 6-армия осмонни забот эта олarkan... Шундоқ экан, ер нима бўпти...»
(Немис аскарининг кўйдалитидан).

БИРИНЧИ ОВОЗ

Мени бешик деб атарлар,
Олтин бешик атарлар,
Ва лекин бир бетора
Онаман мен, тупроқман.
Шодман агар бир гудак
Илк оёқ кўйса юзимга,
Қайғудаман биронга мард
Иқлиса гар оёқдан,
Бағрим чоқдир она каби
Азадаман, уйғоқман.
Уйламангиз, дардсизман мен,
Мен бир сиғим тупроқман.
Ўз ўқимда сайералек
Айландим мен, тебандим.
Хар бир уйда бешик каби
Шайландим мен, тебандим.
Яхши кунда кўлдим
Фақат бола каби — губорсиз,
Еман кунда титрадим
Мен некса каби — мадорсиз.
Баҳорларда гул бўлдим,
Ярадим ўз-ўзимдан,
Умид қилдим баҳра олинг
Дек хушбўй неъмидан.
Иўлар чанги бўлдим гоҳо
Мен азгулик йўлида,
Умид қилдим кезинг дей,
Чоқинг дей изимдан.
Жаҳон кезинг, бир-бирова
Сирдош бўлинг жондошлар.
Мени — она, ўзингизни
Ўғил сананг, қондошлар.
Онадек ўз бисотимдан
Муъжиза, соз бахш этдим.
Ўз сеҳримдан кечдим, сиға
Улуғ парвоз бахш этдим,
Мени бир бор ғамхўр она атанг
Дедим, қардошлар...
Жазирама ёзларда
Жиғарларим қон эди,
Лекин гулга қон эдим;
Мена беринг умиди
Менга соябон эди.
Волгадан Дона етарди
Ғаласоринг тўқинларини,
Дарё каби шўх-шан эди
Ўлозоринг тўқинларини;
Беқарор жоним юзларди
Тўқинларда ёлқинлангилар,
Ўрмалардан майдон эдим,
Хатар келди — босқин келди,
Тириклик тўқининг узра

Тагин ўзга тўқин келди;
Салб келди,
Ўроқ ўринга
Икки бошли қилч келди,
Қиргин келди,
Ғарбдан мени таҳдид билан
Хурлик билан сиқиб кўяр
Эдилар,
Ўроқчилар ғаллазорларда
Жанг қилишди, тўяр эдилар,
Мени ўзга рангга бўяр
Эдилар...
Кул рангига, қон рангига...
Темирлар ҳалқаси ичра,
Оловлар ҳалқаси ичра,
Урушлар ҳалқаси ичра
Барча узун-қиска чизилар
Тегарима кучди,
Дунёнинг барча яки
Бирдан менинг елангига тушди,
Бари сизди менига,
Қон, ёш, исёнлар —
Уларини сиғдирган дегиз,
Тўғонлар.
Шаҳар эдим, уй эдим ахир,
Энди ўз фазоимда,
Муаллақ шарман,
Қонлар тутунига бутунлай
Гарқман.
Қайда қолди оппоқ сўтим,
Қирмиз юзим?
Қайда ул ўғилни тинч
Кечаларим?
Епишиб қолмишдир лабимга-
лабим.
Бир коса сув беринг...
Бир коса сув беринг...
Жағар қонисиз!
Энди мен бешикман,
Ваҳшатлардан қулаб
Тушганман,
Гўдагим остида бераётир жон,
Кўтариб қўйингиз жойимдан!
Мадад сиздан,
Эй тўққанларим,
Хазар, эй бағримга
Тиз суққанларим!
Гўдаксиз тебандман
Қушманган бошлаб,
Шунчалик боғладим, шунча
Кичрайдим,
Кичик бир уйга ҳам сиғарман,
Ажаб.
Мени овоз этинг,
Мен сайералар,
Тутқуликда ўлиб кетарман...
М. КЕНЖАБОВ таржимаси.




Тожикистон рассомлари ижодида замондошларимиз образи нег ўрин эгаллайди.
СУРАТДА: В. Боборикининг «Восе райони пахтакорлари», С. Краснопольскийнинг «Колхозчи, портрет» асарлари.
О. Алухтин, фотопропагандист.

ШОТУТ

(ҲАЖВИЯ)

Қўчадан чарчаб,
Герпан шалабош бўлиб
Уйга қайтдим, Нимага,
Дир янгангиз бир олам
Юш қовоқ, тумшугини
Фирок билан қарши
Олди. Хайронман, унга
Нима бўлдикини? Дои-
мо уйга киришимда
Хуш хандон, жилван
Хиромон бўлиб қарши-
ларди.
— Ха, жонингиз,
нима бўлди? Саломат-
лигингиз яхшими?
— Сўрадим хавотир олиб,
сўрадим ҳаётда биро-
нйи элингиз-ку? Бир-
ор ерингиз оғриганми-
ми?
— Сиз бошқалар,

— Мен бўлсам си-
зи бу ҳолда кинингиз
бор кўриб турибман!
— деди у аввалгидан
баланд ва ялдилроқ.
— Қанақа ҳолатда?
— хавотир билан кў-
ларини иририратиб
унга қарадим.
— Ўзингизни тўл-
дириш солмади! Шун-
дан яхши билингиз, «ойин»
этак билан ёпиб бўл-
майди!
— Ҳўй, айтингчи,
ўзи нима гап?
— Ҳозир кўрасангиз,
— шундай деди-ю шун-
дай билан уйга кириб
кетди. Ҳаял ўтмай қў-



«Лола» ансамбли рақсга тушганда.

ҚЎШИҚЛАР ГУЛДАСТАСИ

Адабиёт ва санъат кўнлари иштирокчилари орасида Тожикистон ССР халқ артисти, Пушкин номидаги Ленинobod музикали комедия театрининг асту санъаткори, хушоваз хонанда Мурод Навоӣ ҳам бор. Унинг номи ва қўшиқлари санъат ихлол мандарига яхши таниш. У тезда республикамизда моҳмон бўлиб туради. Бу сафар ҳам лғи қўшиқлардан ташкил топган гулдастасини тўхфа қилади. Бу ҳақда санъаткорнинг ўзи шундай дейди:

— Тожики ва ўзбек халқи азалий қон-қардош. Бир дидан сўз қиларди, бир ҳаводан нафас оларди. Бир-бирининг кўй ва қўшиқларини тарқитиш сизингиз қўшиқларингизни севиб тингладим. Ўзингиз ҳақингизда ҳам ороқ гапириб берсангиз.
— Санъатга меҳрим жуда эрта уйғонган. Ешклидан санъатни, қўшиқ айтишини яхши кўрадим. Ушанда ҳам ўзбек қўшиқларини айтиб юрардим. Дастлаб менига «Уста ота Бобоев устозлик қилди. Ўрта мактабни

дўстлигини, жондош пахтакорларини, азиз Ватанимизни қўйлашга ҳаракат қиларман.
Тожики халқига муҳаббатим қанчалик юксак бўлса, ўзбек халқини ҳам ана-укаларимдек, қон-қардошдек, севаман. Ўзбекистонни ўзбек шоирларидан Пулат Мўмин, Хайдар Йўлбе, Ўлмас Йўлбе, Эътибор Охунова ва бошқа шоирларнинг шеърларига уйи басталаман. Уларни ма-роқ билан қўйлайман.
Адабиёт ва санъат кўнлари муносабати билан ўзбек қўшиқ шинавадилари билан яна учрашим имконига ога бўлганимдан беҳад хурсандман.
Сўхбатни Р. ПУЛАТОВ ёзиб олди.

НАСРИЙ НАЗМЛАР

Лабингдангиз сивизга навои бир достондир,
У сенинг тилингдан қўйлабди. Фақат мен тушунмаман, ҳеч ким-
миз қўйлагингиз кўр-
мади. Сивизга навои ўзгалар учун кўй бўлса, мен
учун муҳаббат досто-
нидир.
Сен лабларимга си-
визга тутасан: мен ча-
ламман, аммо сен ча-
лган наво қилмайдди.
Сивизга чилиш сенга
ярашарди. Сен муҳаб-
батимиза достонинг у
билан тараннум эт,
мен жўр бўлиб садо-
қат қўшиғини бош-
лай...
Нега қора қўйлаб
кичиб чикдинг? Қир-
миш қўйлагингиз кўр-
мади. Мен ҳар қу-
шнинг арча остига келиб,
қўйингиз пойламан.
Аммо сен мен томонга
ниҳог ташламайсан.
Сен қўйингда кўза би-
ла келиб, булоқ бо-
нига ўтирасан. Сув
юзида қалқитган аксинг
та тикилиб, анчагача
қўзани сувга ботири-
майсан. Қирқ ўрим
нокилинг сув юзига
ейилиб тушади. Сен

қўйингизни орқага
ташласангиз, қўзани
сувга ботирасан.
Лекин, бугун сочла-
рингиз паршон. Булоқ
бошига келингиз кет-
динг. Сувдагиз аксинг
га бокмалдингиз ҳам.
Қўйингиз ағилиб тум-
шадан. Ў. Б. арча остига
қўйингиз тушдингиз?
Офтоб чўққига е-
ган, тоғ ортита яши-
ринди. Назаримда
қўш энди қикмайдиг-
андай. Бирок эртаси-
га шарқ қўйилари ло-
мондан офтоб аланго-
ча мусаффо чақалоқ-
дек япа намои бўлди.
Ажаб, қандай муъ-
жиза бу! Бир қария
шундай деди:
— Эй, ўғлим, оф-
тоб ўтганлар хабарини
элтади ва дунёга лғи
келганлар муждасини
тарқатади...
Дарё сувни эгилган
мажнунот шоҳларини
уйнайди. Янроқлар
сувга тўқилиб, узоқ-
узоқларга оқиб кета-
ди. Сенинг паршон
соҳларинг ҳароратини
нафасимиздан мажнун-
от шоҳларидан тебара-
нади.

ТОЖИК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Тўғри дарахтнинг сояси эгри бўл-
майди.
Осмоннинг юлдузига етсанг ҳам,
баҳилининг нонига етмайсан.
Кучук эгасининг уйда ўзини шер
билар.
Бир кунлик сафарга ўн кунлик
оziқ ол.
Биронинг арқони билан чуқурга
тушма.
Ўз дардингиз дарахтлардан олди-
да айт.
Душманингга гап топиладими, итин-
нинг думини қийшиқ дейди.
Баланд шохинг мевасини қарга
чўққийди.

Ковушинг тор бўлса, дунёнинг
кентлигиндан не фойда!
Ногоранинг овози узоқдан яхши
эшитилади.
Хом гапирсанг ҳам, пухта эшит.
Бахилининг кўзи тошини тешар.
Текни шаробни қозим ҳам ичади.
Дарахт шохиди миғига чумчуқ-
дан қўйингиз битта қўш яхши.
Маслоҳатли кийим калта келма-
ди.
Хотин йўқ уйда икна йўқ.
Бир болани ўстиргунингча бир бо-
зорли шаҳар бина бўлади.

Латифалар

Афанди муллодан
сўради:
— Айтингчи, қан-
дай одам сувга тез чў-
кади?
— Албатта, гуноҳ-
кор одам, — деб жавоб
берди у.
Афанди хурсанд бў-
либ деди:
— Жанобларингиз
чўқилмасликлари са-
баби энди маълум бўл-
ди.
Афанди маскид ён-
дан ўтиб кетаётган
эди, имом унга деди:
— Атар хайр қил-
санг, биринг ўн бўла-
ди.
Афандининг бисоти-
да битта эчкини бор
эди, уни маскид имо-
мига садақа қилди.
Уша қуни ҳалиги очни

имомнинг тўқинига эч-
кисини ордасидан эр-
таштириб афандининг
уйига кириб борди.
Имом эчкиларини сў-
роқлаб, даратини
Афандининг уйдан
тоғди. Имом эчкила-
рини талаб қилган
эди, Афанди унга де-
ди:
— Ўзингиз «Хайр
қилсанг, биринг ўн бў-
лади» деб фатво бер-
ган эдингиз-ку? Мен
хайр қилдим, биринг ўн
бўлди.
Судда айбланувчи-
дан сўрашди:
— Ўзингизни ҳи-
мом қилиш учун яна
гапирганин истайсиз-
ми?
— Истайман, адво-
катнинг тажрибасиз-
лик қилганлигини эъ-

тиборга олсангиз, —
деди айбланувчи.
Кечкурун овқатла-
ниб ўтирганда хотин
орига деди:
— Азизим, бугунги
овқатини сенга маъқул
бўлди-ми?
— Қўй жонингиз,
бир пас тинч ўтирай-
лик, — деди эри.
Мунажжид бир ки-
шидан сўради:
— Юлдузининг
оти нима?
— Эчки. — деди у.
— Осмонда бундай
юлдуз йўқ-ку?
— Мен туғилганим-
да мунажжидлар юл-
дузини улоқ дейиш-
ган эди. Энди улай-
дим, юлдузини ҳам қат-
та бўлган бўлса керак.

Дарё тайёрлаётган
студент ёнида мураб
ўтирган шеригидан сў-
ради:
— Сен қачон яхши
ухлайсан?
— Қўлимга китоб
олганда.
— Менинг хотиним
туғилган кунин бутун
дунё нисмонлайди.
— Нима сабабдан?
У шунчалик машҳур-
ми?
— Йўқ, у Ялти йил
кечаси туғилган.
— Илорамиз ақини-
да ушбу ҳовуз қазил-
ди: бирода иссоқ сув,
иккинчисда совуқ сув
турди, учинчиси аса
курди, — деди эри хо-
тинига.
— Учинчиси нимага
керак? таласқубла-
ниб сўради, хотин.
— Сувда сузилиш
билмайдилар учун,
— деди эри.
А. АХМЕДОВ
таржимаси.

ЛЕНИНОБОД

Ленинбод, бахтиёрсан, қўйингиз ободдир бүгун.
Чехралар гудай очилган, ҳар кўнгул шоддир
бүгун.
Севгли йўлбошинг номин фазр ила тутқоқласан,
Шун сабабким, бор вужудинг шунча шаддоддир
бүгун.
Кекса Сирдарё шардин сенданг гайрат билан,
Коммунизм машаъли соҳида бунёддир бүгун.
Нур берар Қайроққуминг тоғлар оша
Тошкентгача,
Комбинатлар неча хил, юртимга илдооддир
бүгун.
Меҳрибонлик кўрсатишда ҳар қизинг Ширин эса,
Ҳар ўғил мардоналикда мисли Фарҳоддир бүгун,
Юрта бойлик бахш этишда фан нуридан куч
олар.
Ҳар тутинг олтин эса, зардолу шамшоддир бүгун.
Коммунизм дари-дарворин яқиндир, завоқаниб,
Ким яшар бу шаҳр аро, ҳар насаби ижоддир
бүгун!
Мадамин ДАВРОН



Поэтичанимиз экранла-
рида намоиш қилина-
диган тожики фильмлари
орасида «Эттинки жума»
номли кинокомедия ҳам
бор.
СУРАТДА: ана шу
фильмдан бир кадр.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.
3 ТОШКЕНТ
БЕТОШКЕНТ
19 МАЙ, 1981 й.

